

4. Будрин А.Г., Будрина Е.В., Григорян М.Г. и др. Экономика автомобильного транспорта [Текст]. Учеб. пособие для студ. высш. учеб. завед. / Под ред. Г.А.Кононовой. – М.: Изд. центр «Академия», 2005. – 320 с.
5. Ваҳобов А, Маликов Т. Молия. Дарслик. – Т.: Ношир, 2012. – 232 б.
6. Калонов М. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили услубиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: Молия, 2019.
7. Маркова С.Н. Планирование и анализ доходов и прибыли автотранспортного предприятие “Лайт флеш”. // Экономический анализ: теория и практика. 7/10-2003 (июль). С. 28-35.
8. Пахновская Н.М., Ищанова Д.А. Развитие методов управления затратами в системе финансового управления автотранспортного предприятия. / Вестник ОГУ №14 (175)/декабрь 2014. С. 319-323.
9. Саидрасулова Х. Методика определения эффективности использования основных производственных фондов. // Молия. 4/2014.
10. Семенов В.М, Василенкова Н.В. Управления финансами промышленности. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2012. С. 60-61.
11. Тожибоева Ш.А. Савдо ташкилотларининг молиявий натижаларини таҳлил қилиш усуларини такомиллаштириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2007.
12. Ўлмасов А, Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик (тўлдирилган ва қайта ишланган). – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. 153-155-б.
13. Фридман А.М. Финансы организации (предприятия). Учебник. 2-е изд. – М.: Дашков и К, 2013. С. 368-369.
14. Эйхлер Л.В. Особенности формирования финансовых результатов деятельности автотранспортного предприятия. Проблемы экономики и менеджмента. № 6 (58). 2016. С. 90-93.
15. Эргашев Ш. Автомобиль транспорти корхоналарида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертация автореферати. – Т., 2021.
16. Шоғиёсов Т. Корхонанинг молиявий натижаларини таҳлил қилиш муаммолари. // Молия. 3/2015.
17. Корхона ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарори асосидаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари” тўғрисидаги Низом, За-илова 3-кўрсаткич шакллантирилган.
18. Geoffrey Whittington Profitability, Accounting Theory and Methodology. Taylor and Francis e-Library. London and New York. 2007. P. 45.



АУДИТОРЛИК ДАЛИЛЛАРИНИ ТЎПЛАШ УСУЛЛАРИ ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

Ешпанов Исламбек Тохтарбаевич -
Тошкент молия институти
мустақил изланувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a23

Аннотация. Мақолада молиявий ҳисоботларни текшириш учун зарур бўлган аудиторлик далилларини тўплаш жараёни ёритиб берилган. Шунингдек, аудиторлик далилларини тўплашда қўлланиладиган усуллар тўғрисида батафсил маълумот берилган.

Калит сўзлар: таҳлилий амаллар, ташқи тасдиқ, кузатиш, назорат, арифметик ҳисоб-китоблар, ички назорат.

МЕТОДЫ СБОРА АУДИТОРСКИХ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ И ПОРЯДОК ИХ ПРИМЕНЕНИЯ

Ешпанов Исламбек Тохтарбаевич -
Ташкентский финансовый институт
независимый исследователь

Аннотация. В статье освещается процесс сбора аудиторских доказательств, необходимых для проверки финансовой отчетности. В нем также содержится подробная информация о применении методов, используемых при сборе аудиторских доказательств.

Ключевые слова: аналитическая процедуры, внешнее подтверждение, наблюдение, контроль, арифметические вычисления, внутренний контроль.

METHODS OF COLLECTING AUDIT EVIDENCE AND THE PROCEDURE FOR THEIR APPLICATION

*Yeshpanov Islambek Toxtarbaevich -
Tashkent Institute of Finance
independent researcher*

Annotation. The article highlights the process of gathering audit evidence necessary to verify financial statements. It also provides detailed information on the implementation of the methods used in the collection of audit evidence.

Keywords: analytical procedures, external confirmation, observation, control, arithmetic calculations, internal control.

Кириш. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бошидан бошлаб, товар айирбошлаш бошланганидан буён иқтисодий фаолиятни назорат қилиш жараёни ҳам ривожлана бошлади. Аста-секин текшириш жараёни содир бўлган жараёнларни назорат қилиш ва таҳлил қилиш, иқтисодий жараёнларни янада ривожлантириш учун асосли хулосалар чиқаришга қодир бўлган тартибга айлана бошлади. Бундай фаолият, биринчи навбатда, давлат молиявий назорати сифатида белгиланади, унда алоҳида ҳуқуқий ва иқтисодий меъёрлар ва қоидалар гуруҳи назорат амалларининг муайян усуллари ва алгоритмлари орқали ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни тартибга солишга имкон берди, сўнгра унинг негизида бутунлай янги молиявий назорат тури, яъни аудиторлик текширувлари юзага келди. Жаҳондаги корона-вирус пандемияси шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисобот кўрсаткичлари ҳолисона ва тўғри ифода қилиниши жараёнида аудиторлик хулосалари ва аудит ҳисоботларига эътибор янада кучайди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ПФ-5978-сонли фармонда шундай деб таъкидлаб ўтилганлигини кўришимиз мумкин: “Ўзбекистон Республикасида аудит хизматини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу жумладан, унинг жавобгарлигини ошириш мақсадида устав капитали оширилди ва мажбурий аудит жавобгарлик суғуртаси жорий этилди. Натижада аудиторлик ташкилотларининг фаолияти тартибга солинди ва аудиторларга уларнинг устав капитали 51 фоизи нақд пул кўринишида қўйилиши, унинг аудиторлик текширувлари сифатига алоҳида эътибор бериш вазифаси юклатилди” [1].

Айниқса, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик хизматига бўлган талаб янада ошди. Аудит жараёнида асосий масала аудит учун зарур маълумотларни йиғиш ва унга ишлов бериш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан аудиторлик маълумотлари, аудит далиллари ва уларни тўплаш энг муҳим масала ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Аудиторлик далиллари хусусида проф. Р.Д.Дусмуратов томонидан куйидагича фикр билдирилган: “Далил дейилганда, бошқа факт-

нинг мавжудлигини тасдиқлайдиган ёки инкор қиладиган факт ёхуд мазкур факт ҳақидаги у ёки бу даражадаги ишончлилик билан фикр шакллантиришга имкон берадиган, маълум факт тўғрисида маълумотлар олиш жараёни тушунилади” [2].

Бундан ташқари аудиторлик далилларини гуруҳларга бўлиш бўйича амалий ишлар қилинган, шу жумладан, аудиторлик текширувлари жараёнида тўпланадиган далиллар турли-туман бўлиб, улар тури, манбаи ва олиниш усулларига кўра туркумланади. Иқтисод фанлари доктори, профессор И.Қўзиёвнинг фикрича, “Аудиторлик далиллари аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви вақтида йиғилган ва аудиторлик хулосасини асословчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, аналитик счётлар қолдиқлари, бошланғич ҳужжатлар ва йиғма регистрлар, бошқа аудитор томонидан тўпланган ахборотлар ҳисобланади” [3].

Ушбу масала бўйича Россияда махсус аудитнинг стандарти, яъни Россия Федерал стандарти – 5-сонли “Аудиторлик далиллари” номли стандартда аудиторлик далилларига талаблар белгиланган: “Аудиторлик далиллари сифатида ҳар қандай ахборотдан фойдаланилади, шу жумладан, аудитор томонидан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот кўрсаткичлари ҳаққонийлиги тўғрисида ўзининг фикрини ифода қилиш учун зарур бўлган ахборот ҳисобланади” [4].

Иқтисодчи олимлар Г.Я.Остаев ва Г.Р.Концевойларнинг фикрича, аудиторлик далиллари хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий объектларининг ҳолати ва хўжалик фаолиятининг амал қилишга доир фактларнинг моҳиятини очиб бериш борасида тўпланган, ўрганилган ва баҳоланган ахборотлардир [5].

Аудиторлик далилларига иқтисодчи олим А.Д.Шеремет томонидан қуйидагича таъриф берилган: “Аудиторлик далиллари аудитор томонидан аудиторлик текшируви жараёнида олинган, ушбу ахборотларни таҳлил қилиш натижасида аудитор фикрини ташкил қилиш учун асос бўлган ахборотлар ҳисобланади” [6].

Демак, шундай қилиб, бизнинг фикримизча, “Аудиторлик далиллари аудиторлик хулосасини ифода этиш учун асос бўладиган бухгалтер-

терия ҳисобини ташкил этиш, бошланғич ҳисоб ва умумлаштирувчи ахборотлар, молиявий ҳисоботни тузиш учун асос бўлган маълумотлар ва счётларнинг қолдиқлари, бизнес-режа ахборотлари, ташқи ахборот манбаларидан олинган маълумотлар ва бухгалтерия ҳисобига тааллуқли бўлмаган ахборотлар ҳисобланади". Ушбу маълумотлар аудиторлик хулосасини ифода қилиш учун етарлича асос бўлиб хизмат қилиши лозим. Чунки шу далиллар асосида биз ижобий ёки салбий хулоса беришимиз мумкин.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида илмий абстракция усули, объективлик тамойили, кузатиш, таққослаш, статистик маълумотлар билан ишлаш, қиёсий таҳлил усуллари билан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ҳар бир аудитор қабул қилиши лозим бўлган энг муҳим қарор мижоз молиявий ҳисобот объектив тақдим этилганини тасдиқлаш тўплаш керак бўлган далилларнинг тегишли миқдорини аниқлашга оид бўлади. Бу масалада бир қарорга келиб олиш муҳим аҳамиятга эга, чунки барча мавжуд далилларни баҳолаш ва таҳлил қилиш аудитнинг аҳамиятини ақл бовар қилмас даражада ошириб юборади.

Масалан, хўжалик тизимларининг катта қисмига оид молиявий ҳисоботлар аудитида барча бекор қилинган чеклар, юк хатлари, товарларни қабул қилиш ҳужжатлари, сотиш бўйича счёт-фактуралар, транспорт ҳужжатлари, мижозлар буюртмалари, ҳисоб-китоб варақлари, шунингдек, бошқа кўплаб ҳужжатлар ва қайдномаларни текшириш имконияти мавжуд эмас.

Аудиторга айнан қандай далиллар керак бўлишига оид қарор қабул қилиниши жараёнини қуйидаги тўрт саволга жавоб излаш сифатида тасаввур қилиш мумкин [7]:

1. Қандай аудиторлик амалларидан фойдаланиш лозим?
2. Ҳар бир аниқ аудит амали бўйича саралаш қандай ҳажмда бўлиши лозим?
3. Берилган мажмуадан қайси аниқ элементни танлаш лозим?
4. У ёки бу аниқ амалларни қачон амалга ошириш лозим?

Аудиторлик текшируви натижасида ҳосил бўлган хулоса ишончли ва оқилона бўлиши учун аудиторлар уларнинг ишончилигига таъсир қилувчи аудиторлик далилларининг қуйидаги муҳим жиҳатларини ҳисобга олишлари керак [8]:

1. Ташқи аудит далиллари ички ёзма ва оғзаки далиллардан кўра ишончлироқ ва муҳимроқ.
2. Ички назорат тизимлари ва текшириладиган фирма бухгалтерия ҳисоби самарадор-

лиги ички аудит далилларининг ишончилигини оширади.

3. Аудитор томонидан олинган далиллар аудиторлик ташкилотидан олинган маълумотларга қараганда ишончли.

4. Аудиторлик далилларининг ишончилиги кўплаб манбалар ва турли хулоса бериш учун етарли фикрларнинг мазмунини оширади, бериладиган хулосанинг аниқлиги ва тўғрилигини мустаҳкамлайди.

5. Аудиторлик текшируви давомида аудитор томонидан аудиторлик далилларини олиш учун аудитнинг ҳар бир босқичида у ёки бу турдаги далилларни тўплаш хусусиятлари ҳақида аниқ батафсил кўрсатмалар мажмуини яратиб олиши лозим бўлади. Масалан, товармоддий бойликларни инвентаризация қилиш, бекор қилинган чеклар сони билан сотишдан даромадлар миқдори, тизимли бухгалтерия ёзувлари ва транспорт ҳужжатларини солиштириш бўйича далиллар муайян аудит амаллари ёрдамида тўпланади. Уларни ишлаб чиқишда, одатда, махсус атамалар қўлланилиб, бу мазкур амаллардан аудит амалга ошириш йўриқномалари сифатида фойдаланиш имконини беради.

Аудитор аудит амаллари бўйича саралаш ҳажминини текшириладиган мажмуанинг биттадан то барча элементларигача кўринишини ўзгартириш мумкин. Тасаввур қилайлик, сотиш журналида 6600 та ҳисобга тўлов амалга оширилгани қайд этилган. Аудитор мазкур ҳолатда 200 та ҳисобни танлаши ва уларни касса дафтари билан солиштириши мумкин. Ҳар бир аниқ аудит жараёнида қанча элемент текширилиши лозимлигини ҳар сафар унинг ўзи ҳал этиши керак. Саралаш ҳажми турли текширишлар учун турлича бўлиши мумкин. Аудитор муайян аудит учун саралаш ҳажминини белгилаб олгач, айнан қандай аниқ элементларни текширишини ҳам аниқлаб олиши лозим. Агар аудитор, масалан, сотиш журналидаги ёзувлар билан солиштириш мақсадида 6600 та ҳисобни ўз ичига олувчи мажмуадан 200 та тўланган ҳисобни текширишга қарор қилса, у ҳолда ўзи текширадиган аниқ ҳисобларни саралаш орқали бир қанча усуллардан фойдаланиши мумкин.

Аудитор:

- а) қандайдир ҳафтани танлаши ва дастлабки 200 та ҳисобни текшириши;
- б) энг йирик миқдорли 200 та ҳисобни танлаши;
- с) ихтиёрий текшириш учун ҳисобни танлаши ёки;
- г) аудиторнинг фикрига кўра хатолар мавжуд бўлиши эҳтимол қилинган ҳисобни танлаши мумкин.

Бундан ташқари ушбу ёндашувларнинг уйғун бирикмаси ҳисобланувчи бошқа қандайдир усулдан фойдаланса ҳам бўлади.

Молиявий ҳисобот аудити, одатда, қандайдир даврни, масалан, бир йилни ўз ичига олади. Аудиторлик текшируви мазкур давр тугаганидан сўнг бир неча ҳафта ёки ойдан кейингина яқунланади. Шунинг учун аудитга кирувчи операцияларни амалга ошириш вақти турлича бўлиши ва улар ҳисобот даврининг бошида ёки ҳисобот санасидан узоқ ўтгандан кейин амалга оширилиши мумкин. Молиявий ҳисобот аудитида мижоз аксарият ҳолларда аудит йил яқунлангандан бир-уч ойдан кейин тугагини хоҳлайди.

Шуни таъкидлаш керакки, аудиторлик ҳисоботи ва иш ҳужжатларини тузишда аудитор томонидан аҳамиятга эга бўлган ва фойдаланиладиган барча муҳим аудит далиллари, унга қандай шаклда тақдим этилганлигидан (ёзма, расмий, ҳужжатли ёки оғзаки) қатъи назар аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган аудит ҳужжатларига кўра, аудиторнинг иш ҳужжатларида муайян намунада белгиланиши керак.

Аудиторлик далилларини олиш учун маълумот манбалари қуйидагилар бўлиши мумкин (1-жадвал):

1-жадвал

Аудиторлик далилларини тўплаш учун маълумот манбалари

Т/р	Аудиторлик далилларини олиш манбалари	Изоҳ
1.	Жорий давр учун молиявий (бухгалтерия) ҳисобот	
2.	Бухгалтерия ҳисоби, журналлар, китоблар, маълумотлар	
3.	Операцион ҳисоб маълумотлари	
4.	Корхонанинг ички (бошқарув) ҳисоботи (жорий ва олдинги даврлар учун)	
5.	Инвентаризация материаллари	
6.	Аввалги аудиторлик текширувлари учун аудиторнинг ишчи ҳужжатлари	
7.	Корхона акциядорлари йиғилишининг баённомалари	
8.	Корхонанинг ички аудитори ҳужжатлари	
9.	Корхона раҳбариятининг буйруқлари, фармойишлари	
10.	Корхона раҳбарияти билан оғзаки мулоқот натижасида олинган маълумотлар	
11.	Таъсис ҳужжатлари	
12.	Шартномалар, шартномалар тузишга оид бўлган ҳужжатлар	
13.	Сўров ва сўров натижалари ҳақида маълумот	
14.	Учинчи шахсларнинг сўровига жавоблар	
15.	Бир неча йиллик корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичлари бўйича таҳлилий маълумотлар	
16.	Мижоз-корхонанинг молия-хўжалик фаолияти натижаларини саноатнинг бошқа корхоналари кўрсаткичлари билан қиёсий таҳлил қилиш маълумотлари	
17.	Суд иши материаллари, реклама, даъво	
18.	Статистик маълумотлар	
19.	Ўтказилган имтиҳонлар ва экспериментлар натижалари	

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу ҳужжатларнинг умумий мақсади аудиторга ёрдам беришдан иборат: улар аудитор аудитни умумқабул қилинган стандартларга мувофиқ ўтказаетганига етарли даражада ишонч ҳосил қилиши учун имкон яратади. Хусусий ҳолларда жорий йил аудити билан боғлиқ ишчи ҳужжатлар тўпланган далиллар, шунингдек, текшириш натижалари ёзуви саналиб, аудитни режалаштириш учун асос бўлади. У муайян ҳолат учун аудиторлик хулосасининг мувофиқ турини аниқлаш учун маълумот ва супервайзерлар (назоратчилар) томонидан амалга оширилаётган текширувлар учун асос саналади.

Аудиторлик далилларининг турлари ва манбаларини аниқлаш орқали аудитор уларни олиш харажатлари ва аудит жараёнига бўлган


эҳтиёж ва фойдалилиги ўртасида оқилона муносабатларни таъминлаш зарурлигини ҳисобга олиши керак. Агар аудиторда маълум бир муҳим ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида асосли шубҳалар мавжуд бўлса, у ҳақиқатни аниқлашга ёрдам берадиган бўлса, ишнинг қийматига қарамай, зарур бўлган қўшимча аудиторлик далилларини олишга ҳаракат қилиши керак. Агар аудитор аудиторлик фикрини шакллантиришга таъсири ҳақида муҳим аҳамиятга эга бўлган зарур далилларни топа олмаса, у молиявий ҳисобот ҳақида хулоса билдиришдан воз кечиши керак [3].

Аудиторлик далиллари ўзига хос хусусиятга эга эканлиги туфайли аудит қийматидан келиб чиққан ҳолда, аудитор ўзи ифодаляётган фикр мутлақо тўғри деб тўлиқ ишонч ҳосил

қилиши мумкин эмас. Бироқ у ўзининг фикри етарли даражада ҳаққоний эканига ишонч ҳосил қилиши керак. Аудитор барча далилларни таққослаб, аудиторлик хулосасини тузиш учун ўзининг ҳақлигига етарлича ишониши бўйича бир қарорга келиши мумкин. Далиллар ишончлилигини белгилаб берувчи уч омил мавжуд бўлиб, булар аниқлик, етарлилик ва ўз вақтидаликдир [9].

Аудиторлик далиллари аудиторлик хулосасини тузиш билан бевосита боғлиқ мақсадлардан ташқари ишчи ҳужжатлар, солиқ декларациялари, қимматли қоғозлар биржалари учун ахборотлар ва бошқа хабарномалар тайёрлаш учун асос сифатида хизмат қилиши мумкин; аудиторнинг фикрига кўра, мижоз фаолиятини

яхшилашга ёрдам бериши мумкин бўлса ёки бундай хабарномалар умумқабул қилинган аудиторлик стандартлари бўйича талаб этилса, улар компания аудиторлик қўмитаси ва компания раҳбариятига турли масалалар бўйича расмий тақдимномалар киритиш учун ахборот манбаи бўлиши мумкин; улар ходимларни тайёрлаш ва келгуси аудитларни режалаштириш ҳамда ижросини мувофиқлаштиришга ёрдамлашиш учун қўшимча маълумотлар сифатида ҳам хизмат қилади. Ҳар бир аудиторлик ташкилоти ишчи ҳужжатларни тайёрлаш ва ташкил этишга ўз ёндашувини ишлаб чиқади. Бош аудитор эса ўз аудиторлик ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган ёндашувга амал қилиши керак.



1-расм. Аудитда ташқи тасдиқлаш амалини қўллаш алгоритми[12]

Текширишлар давомида аудитор муайян миқдорда махфий характерга эга маълумотларни, шу жумладан, идора хизматчиларининг ойлик маошлари, маҳсулотлар нархи ва ушбу маҳсулотларнинг қиймати ҳақида маълумотларни олади. Агар аудитор бу ахборотларни билишга ҳаққи бўлмаган бегона шахсларга ёки ўз мижозининг хизматчиларига шундай маълумотларни ошкор қилса, аудиторнинг у аудит қилаётган компаниянинг раҳбарияти билан ўзаро муносабатларига кескин путур етиши мумкин [10].

Одатда, ишчи ҳужжатлар бегона шахсларга фақатгина мижознинг бевосита розилиги билан тақдим этилиши мумкин. Ҳатто, аудитор “ўз амалиётини бошқа аудиторлик ташкилотига сотган” ҳолатда ҳам шундай бўлади. Бироқ ҳужжатлар суд томонидан талаб қилинган бўлса ёки бошқа аудиторлик ташкилотлари иш сифатини текшириш дастури доирасида фойдаланилса, рухсат олиш зарур эмас.

Аудитор далилларни тўплашда учинчи шахслар томонидан ёзма равишда жавоб олиши ҳамда хулоса учун етарли ва мос бўлган далил тўғрисида тасдиқ олишга ҳақли. Тасдиқ мижозга боғлиқ бўлмаган манбалардан келиб тушаётгани учун улар, айниқса, қимматли ва тез-тез қўлланиладиган далил турлари саналади. Бироқ бундай тасдиқларни олиш жуда қимматга тушади. Шунингдек, бу сўров йўлланган шахслар учун айрим ноқулайликлар туғдириши мумкин. Шунинг учун бундан четлаб ўтиш мумкин бўлган барча ҳолларда шундай йўл тутилади [11].

Тасдиқдан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик алоҳида олинган вазият учун ишончлилиги юқори маълумотлар қанчалик зарурлиги, шунингдек, муқобил далиллардан фойдаланиш имконияти қай даражада эканлигига боғлиқ. Ташкилотлар ўртасидаги алоҳида хўжалик операцияларини, масалан, олди-сотди бўйича операцияларни текширишда, одатда, тасдиққа мурожаат қилинмайди, чунки аудитор бу мақсад учун ҳужжатлардан фойдаланиши мумкин. Худди, шунингдек, тушумларини аудит қилишда ҳам тасдиқ камдан-кам ҳолларда ишлатилади, чунки бу активларни ҳужжатлар ва ҳақиқатдаги назорат ёрдамида етарлича ишончли даражада текшириш мумкин. Тасдиқ ишончли далилга айланиши учун сўров жўнатилгандан то жавоб олингунга қадар у аудитор назорати остида бўлиши керак. Молиявий ҳисоботдаги бошқа қандайдир ҳисоблар бўйича тасдиқлар талаб қилинмаса-да, далилларнинг бу тури молиявий ҳисобот маълумотларини текширишда жуда фойдалидир. Қўйидаги расмда аудитда ташқи тасдиқлаш амалларини қўллаш кетма-кетлиги келтириб ўтилган (1-расм).

Тасдиқ ҳақида сўровларни тайёрлаш, уларни жўнатиш ва жавоб олиш билан мижоз-

нинг ўзи шуғулланаётган бўлса, бу аудиторнинг назоратни қўлдан бой берганини, шу билан бирга, ўз мустақиллигини йўқотиб қўйганини аңлатади. Бундай ҳолларда далиллар ишончлилиги пасаяди.

Хулоса ва таклифлар. Аудиторлик текширувида аудитор томонидан тўпланган далилларнинг ишончли ва етарлилигини таъминлашда юқорида таъкидланган ҳақиқатдаги назорат, ҳужжатлаштириш, тасдиқ, кузатиш, арифметик аниқлик ва таҳлилий амалларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Аудитор текшириш жараёнида тузган ҳужжатларнинг энг кўп қисмини, шунингдек, унинг энг кам тартибга солинган қисмини қўйидагилар ташкил этади:

- текшириш ўтказиш жараёнида тузилган ҳужжатларнинг шакли ҳар бир аудиторлик фирмасида фирма ички стандартлари билан белгиланади;

- бухгалтерия ҳисоби тизимини ўрганиш ва баҳолаш натижалари;

- мижознинг бухгалтерия ходимлари томонидан расмийлаштирилган бухгалтерия ҳисобининг турли бўлимларига доир саволлар, ҳужжатлар айланмаси жадвали, бухгалтерияда лавозим вазифаларини тақсимлаш схемаси, баҳолаш ва ҳисоблашнинг қўлланилаётган усуллари, ҳисоб сиёсатининг йўриқномаларга мувофиқлиги;

- ички назорат тизимини ўрганиш ва баҳолаш натижалари (мижознинг бухгалтерия ва бошқарув ходимлари томонидан ички назоратнинг турли объектлари ва йўналишлари бўйича саволларга берган жавоблари);

- мижозни солиққа тортишнинг ўзига хос жиҳатларининг баёни (мижоз тўлайдиган солиқларнинг рўйхати; мижоз учун имтиёзи бўлган солиқлар рўйхати) ҳамда имтиёзлар учун асослар;

- айрим солиқлар бўйича солиққа тортиладиган базани ҳисоблаш хусусиятлари;

- счётлар бўйича қолдиқларнинг таҳлили;

- мижозлар тузган шартномаларнинг қўлланиладиган қонунларга мувофиқлиги экспертиза натижалари;

- корхона фаолиятининг энг муҳим молиявий-иқтисодий кўрсаткичларининг ҳисоблари;

- 50 та корхона молиявий аҳволининг таҳлили;

- текширишда қатнашаётган ҳар бир аудитор ва унинг ёрдамчиси бўйича аудиторлик текшириш амалларини бажариш жадвали;

- текширишда иштирок этган ижрочилар бўйича бажарилган аудиторлик амаллари моҳияти, ўтказилган вақти ва бажарилган аудиторлик амаллари ҳажмининг баёни;

- текширишда қатнашган аудиторлар ва унинг ёрдамчисининг бажарилган аудиторлик амаллари натижаларининг фирма ички стандартларига мувофиқлигини расмийлаштириш;
- аудиторларнинг экспертлар, мутахассислар ва консультантлар билан музокаралари нусхаси.

Ушбу жараёнда олинадиган далиллар аудиторлик хулосасининг аниқлиги, тўғрилиги ва ишончилигининг янада ортишига хизмат қилади. Аудит мақсадларини тўлақонли амалга оширишда аудиторлик далилларининг аҳамиятини оширади ва аудиторлик ҳисоботи учун асос ҳисобланади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли фармони.
2. Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2003. – 612 б. 139-б.
3. Қўзиев И.Н. Аудиторлик ҳисоботларини тузиш ва уларни умумлаштириш: назария ва методологик масалалар. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, 2015. 58-бет.
4. Российская Федералные правила (стандарты). № 5 «Аудиторские доказательства».
5. Остаев Г.Я., Концевой Г.Р. Особенности сбора аудиторских доказательств. // Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях. 2015. № 15. С. 56-72.
6. Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 448 с. С. 204.
7. Аудитнинг халқаро стандарти. 230-“Аудитни ҳужжатлаштириш”.
8. Аудитнинг халқаро стандарти. 500-“Аудиторлик далиллари”.
9. Кочинев Ю.Ю. Аудит: теория и практика. – СПб.: Питер, 2009. С. 101-120.
10. Остаев Г.Я., Концевой Г.Р. Особенности сбора аудиторских доказательств. // Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях. 2015. № 15. С. 36-42.
11. Сербина О. Аудиторские доказательства: что изучает аудитор. // Расчет. 2016. № 4.
12. Очилов Ф.Ш. Мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш мавзусидаги докторлик диссертацияси автореферати. 14.01.2022. – 51 бет.



БОШҚАРУВ ҲИСОБИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a24

Маннапова Раъно Абборовна -
Тошкент молия институти
Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши
кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада бошқарув ҳисобининг иқтисодиётда тутган ўрни ва ривожланиш тенденциялари, бошқарув ҳисобини ташкил этиш, бошқарув ҳисобининг ривожланиш босқичлари, бошқарув ҳисоби моҳияти, бошқарув ҳисоби ривожланиш даражасининг хорижий тенденциялари йўналишлари тадқиқ қилинган.

Асосий тушунчалар: иқтисодиёт, бошқарув ҳисоби, таннарх, калькуляция, методология, бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот, тенденция, KPI-технологияси.

СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ УПРАВЛЕНЧЕСКОГО УЧЕТА

Маннапова Рано Абборовна -
старший преподаватель кафедры
“Бюджетного учета и казначейства”
Ташкентского финансового института

Аннотация. В данной статье исследованы роль и тенденции развития управленческого учета в экономике, организация управленческого учета, этапы развития управленческого учета, сущность управленческого учета, зарубежные тенденции в уровне развития управленческого учета.

Ключевые слова: экономика, управленческий учет, себестоимость, расчет, методология, бухгалтерский учет, отчетность, тенденция, KPI-технология.